
Қарор ва ижро РҮЙХАТ КЕНГАЙТИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июнда “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни Давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- 4742 сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари таркибиغا киритилмайди. 2020 йил 1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати 24 тадан 67 тага кенгайтирилди. Ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш хабар бериш тартибида ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда маҳсус мобиъ илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга ошириш ҳамда вақтингчалик меҳнат гувоҳномаларини бериш тартиби текор қилинди. Ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи ҳажмида тўлашлиги ҳамда ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилиши ва ундан келиб чиқкан ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми сифатида қаралиши, ўзини ўзи банд қилган шахслар ёлланма ишчиларни жалб қила олмаслиги ҳамда иш берувчига эга бўла олмаслиги тўғрисидаги талаб сақланиб қолди.

Интернет тармоғи орқали хизматлар кўрсатувчи (ишлар бажарувчи) ўзини ўзи банд қилган шахсларга (фрилансинг) кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) учун чет элдаги жисмоний ва юридик шахслар — норезидентлардан хорижий валютадаги тўловларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимиға тегишли маълумотларни киритмаган ҳолда ўзбекистон Республикасининг банкларидағи ҳисоб рақамларига қабул қилиш, контракт тузмасдан, келишув тўғрисидаги оммавий таклифни (оферта) қабул қилиш ёки электрон ёзишмалар алмашиб ёхуд ҳисоб-китоб фактураларни (инвойс), шу жумладан электрон шаклда тақдим қилиш йўли билан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) ҳуқуқлари берилди.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи, иштирокчилари сони камида уч нафар бўлган оиласи корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан 50 фоизга камайтирилган ставкада тўлашлиги белгилаб қўйилди.

Юқоридаги қарорнинг мазмун моҳияти бўйича туман ҳокимлигига вилоят статистика бошқармаси бошлиғи А.Шамшидинов ва туман ҳокимининг 1-ўринбосари F.Эргашев, туман ДСИ бошлиғи А.Ахунов ҳамда тумандаги маҳалла раислари ва маҳалла фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Қарорнинг мазмуни тўғрисида туман ДСИ бўлим бошлиғи С.Нишонов тушунтириш берди.

**К.АКБАРОВ,
туман Давлат солиқ инспекцияси катта инспектори.
Ёзёвон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2020-07-14 11:56:19